



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИ: ДИНАМИКАСИ, ОМИЛЛАРИ
ВА МУАММОЛАРИ

PhD Каландаров Равшан Абдукаюмович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0000-0002-9080-4402

kalandarov.1979@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиши динамикаси ҳамда миллий иқтисодиёт тармоқлари таҳлил этилиши асосида иқтисодий ўсишни жадаллаштирувчи ҳам унга тўсқинлик қилувчи секинлаштирувчи омиллар ажратиб олинган. Шунингдек, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга қаратилган илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Ключевые слова: иқтисодий ўсиш, ЯИМ, иқтисодиёт секторлари, иқтисодий ўсишга омиллари, иқтисодий ўсишни секинлаштирувчи омиллар, инновациялар.

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ УЗБЕКИСТАНА: ДИНАМИКА, ФАКТОРЫ
И ПРОБЛЕМЫ

PhD Каландаров Равшан Абдукаюмович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье на основе анализа динамики экономического роста Узбекистана и отраслей национальной экономики, выделены факторы, ускоряющие экономический рост и замедляющие его. Также разработаны научно-практические предложения, направленные на обеспечение устойчивого роста национальной экономики.

Ключевые слова: экономический рост, ВВП, отрасли экономики, факторы экономического роста, факторы замедления экономического роста, инновации.

ECONOMIC GROWTH OF UZBEKISTAN: DYNAMICS, FACTORS
AND PROBLEMS

PhD Kalandarov Ravshan Abdukayumovich

Tashkent State University of Economics

Abstract. In this article, on the basis of the analysis of the economic growth dynamics of Uzbekistan and national economic sectors, factors that accelerate economic growth and slow it down are distinguished. Also, scientific and practical proposals aimed at ensuring the sustainable growth of the national economy have been developed.

Keywords: economic growth, GDP, economic sectors, economic growth factors, economic growth slowing factors, innovations.

Кириш.

Ўзбекистон ўзининг бой маданий мероси ва муҳим табиий ресурслари билан Марказий Осиёда стратегик ўринни эгаллайди. Республикамиз 1991-йилда мустақилликка эришганидан бери иқтисодий тараққиётда сезиларли муваффақиятларга эришди. Ушбу мақолада, биз, Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишнинг асосий жиҳатларини таҳлил этиш орқали бу жараёнга ёрдам берувчи омилларни ажратиб оламиз ҳамда келгуси тараққиёт йўлида мамлакат олдида турган асосий вазифаларни ёритишга ҳаракат қиласиз.

Адабиётлар шарҳи.

Иқтисодий ўсиш иқтисодий назария ва амалиётнинг асосий мавзуларидан биридир. У кўп жиҳатларни, жумладан, ўсишга таъсир этувчи омилларни, унинг ўлчовларини, жамият ва умуман иқтисодиётга таъсирини ўз ичига олади. Ушбу шарҳда иқтисодий ўсиш билан боғлиқ тадқиқотнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилади.

Иқтисодий ўсиш турли назариялар призмаси орқали ўрганилади:

Классик назария: Адам Смит (2022) ва Давид Рикардо (2015) каби асосчилар ишлаб чиқариш омиллари сифатида капитал, меҳнат ва табиий ресурсларнинг аҳамиятини таъкидладилар. Смит эркин бозор ва рақобатнинг ролини таъкидлади.

Неоклассик назария: Солоу ва Кобба (2020) иқтисодий ўсиш капитал тўпланиши, ишчи кучининг ўсиши ва технологик ўзгаришлар билан белгиланадиган моделни таклиф қилди. Солов модели ўсишнинг асосий омили сифатида технологик тараққиётнинг ролига қаратилган.

Эндоген ўсиш назариялари: Пол Ромер (2006) ва Роберт Лукас (2013) каби иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилган ушбу назариялар инсон капитали, инновациялар ва институционал омилларнинг аҳамиятини таъкидлайди. Улар билим ва технологияга инвестиция киритиш барқарор иқтисодий ўсишга олиб келиши мумкинлигини таъкидлайдилар.

Экологик муаммолар, ижтимоий тенгиззлик ва юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий инқирозлар. Жозеф Стиглitzs (2024) ва Амартия Сен (1999) каби муаллифларнинг асарлари ижтимоий ва экологик жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда мувозанатли ўсиш зарурати ҳақида саволлар туғдиради.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда кўпчилик постсовет республикаларига хос бўлган иқтисодий қийинчиликларга дуч келди. Марказлаштирилган режали тизимдан бозор моделига ўтиш ЯИМнинг кескин пасайиши ва аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашуви билан кечди. Айнан шу даврдан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар бошланди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шартшароитлар яратишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди, муҳим институционал ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бу ислоҳотлар кейинги йилларда барқарор иқтисодий ўсишга замин яратди.

Ўзбекистон иқтисодиёти учта асосий тармоқ: саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишга боғлиқ. Уларни алоҳида таҳлилига тўхталамиз.

Қадимги иқтисодий ғоялардан тортиб физиократизм таълимотигача қишлоқ хўжалиги мамлакатлар иқтисодиётининг асосини ташкил этган. Хозирги кунда ҳам бир қатор мамлакатлар иқтисодиётида асосий тармоқ сифатида миллий иқтисодиётда салмоқли улуш эгаллайди. Мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистон иқтисодиёти аграр-индустрисиал характерга эга бўлиб, ЯИМда ушбу соҳанинг 33 фоизни ташкил этган ҳолда, 2023 йил якунлари бўйича ушбу кўрсаткич 24,3 фоизни ташкил

этди²⁸. Шу ўринда таъкидлаш лозимки қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг физик ҳажми мутассил ўсиб борган вақтда ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши камайиб бормоқда. Аммо шуни назарда тутиш лозимки, ушбу соҳанинг муҳимлиги унинг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаши билан белгиланади.



1-расм. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ўсиш суръатлари динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республика президенти хузурида статистика агентлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.


Сўнгги йилларда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ўсиши нисбатан барқарорлик динамикасини намойиш этиши билан бирга, мамлакат ЯИМ ўсишидан паст кўрсаткичга эга бўлиши кузатилмоқда. Шу билан бирга айнан пандемия шароитида ушбу соҳагина нисбатан юқори ўсишга эга бўлди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида катта улушни пахта, мева ва сабзавотлар каби юқори сифатли маҳсулотлар эгаллайди. Бироқ, қишлоқ хўжалигидаги таркибий муаммолар, жумладан, иқлим шароитига боғлиқлик ва янада самарали ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш зарурати янгиланишга интилоқда.

Ўзбекистон саноати миллий иқтисодиётнинг локомотиви ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, айнан саноатни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётда барқарор ўсишга эришиш мумкин. Мамлакатимиз саноатининг асосий, яъни 84,4 фоиз улуши электроника, машинасозлик ва енгил ишлаб чиқариш, қурилиш, озиқ-овқатлар каби соҳаларни қамраб олувчи ишлаб чиқариш саноати соҳаларига тўғри келади. Мустақиллик даврида саноатнинг ЯИМдаги улуши ўсиб борган ҳолда ушбу кўрсаткич 1990 йиллар бошидаги 16 фоиздан 2023 йил якунлари бўйича 26,1 фоизни ташкил этди²⁹.

2019-2023 йилларда саноат сектори нисбатан беқарор ўсиш тенденциясини намойиш этди. Бизнинг фикримизча, Covid-19 пандемияси натижасида юзага келган санитар инқизоз ва ундан кейинги йилдаги ижобий силжишлар ушбу беқарорликнинг асосий сабаби бўлди.

²⁸ Ўзбекистон Республика президенти хузурида статистика агентлиги маълумотлари <https://stat.uz/img/press-reliz-uzb-4-kv-2023.pdf>.


²⁹ Ўзбекистон Республика президенти хузурида статистика агентлиги маълумотлари. https://stat.uz/img/press-relizlar/02_vvp_press-reliz-2023-g_uzb.pdf



2-расм. Саноатнинг ўсиш динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республика президенти ҳузурида статистика агентлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилди. <https://stat.uz/img/press-reliz-yanvar-dekabr-uzb.pdf>.

Бироқ, ушбу секторда ускуналар ва технологик жараёнларни модернизация қилиш билан боғлиқ муаммолар мавжуд, бу, албатта, рақобатбардошликтни оширишнинг асосий шартидир. Миллий иқтисодиётнинг жадал ўсиб бораётган соҳаси хизматлар секторидир. Ушбу сектор кенг кўламни ташкил этиб, унинг тармоқларидан телекоммуникация, молиявий хизматлар ва туризм каби соҳалари жадал ривожланиш суръатларини кўрсатмоқда. 2023 йил якунлари бўйича ушбу соҳада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони 343059 тани ташкил этган ҳолда, ўсиш кўрсаткичи 13,7 фоизга, ЯИМдаги улуши 43,4 фоизга тенг бўлди³⁰.




3-расм. Хизматлар секторининг ўсиш суръатлари

Манба: Ўзбекистон Республика президенти ҳузурида статистика агентлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилди. https://stat.uz/img/analitika-12_2023-zb.pdf.

³⁰ Ўзбекистон Республика президенти ҳузурида статистика агентлиги маълумотлари. https://stat.uz/img/press-relizlar/02_-vvp_press-reliz-2023-g_uzb.pdf, https://stat.uz/img/analitika-12_2023-zb.pdf.

3-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, хизматлар сектори ЯИМнинг энг юқори суръатлар билан ўсиш бораётган соҳасидир. Бу тенденция дунё мамлакатларида ҳам кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаблари эса фан-техника тараққиёти натижаси ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши натижаси бўш ишчи кучининг ортиб бориши, янгидан-янги хизмат турларининг жадал ривожланиши, ахоли даромадларининг ошиши натижасида талабининг ортиши. Бироқ мамлакатимизда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар зарур.

Иқтисодий ўсиш динамикаси ҳақида сўз борганда, аввалимбор, классик иқтисодий назариялар нуқтаи-назаридан ёндашган ҳолда мамлакат ЯИМнинг мутлоқ, ахоли жон бошига ҳамда ресурс бирлигига кўпайишини тушуниш мақсадга мувофиқ.



4-расм. Ўзбекистон ЯИМнинг ўсиш динамикаси

Манба: Ўзбекистон Республика президенти ҳузурида статистика агентлиги маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.

4-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 1991-1995 йилларда Ўзбекистонда ЯИМ камайиш тенденциясига эга бўлди. Бунинг сабаблари сифатида режали иқтисодиётнинг салбий оқибатлари таъсири, бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш жараёни, асосий капиталнинг моддий эскириши кабиларни кўрсатиш мумкин. Ўз вақтида амалга оширилган институционал ўзгаришлар натижасида 1996 йилдан бошлаб ЯИМда ўсиш тенденцияси кузатила бошланди. 1997-2003 йиллар мобайнида ЯИМнинг йиллик ўсиш даражаси 4-5 фоизга, кейинги 2004-2023 йилларда ўртача йиллик ўсиш суръати 6-8 фоиз атрофига бўлди. Демак, 70 қоидасига асосан мазкур даврда Ўзбекистон ЯИМи 4 баробарга ортган. Бундай ўсиш турли омиллар, жумладан, хизматлар соҳасининг жадал ривожланиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг барпо этилиши, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг ошиши ва хорижий инвестицияларнинг юқори бўлмаса-да барқарор даражаси билан боғлиқ бўлди. 2020 йилдаги паст кўрсаткич Covid-19 пандемияси натижасида юзага келган глобал санитар инқирознинг натижасидир. Ушбу инқироз Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатиб, ЯИМнинг ўсиш суръатларининг пасайиши билан бирга ишсизликнинг ошишига ҳам олиб келди. Инқирозга жавобан тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурлари жорий этилди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга қуидаги омил асосий таъсир кўрсатди:

1. Институционал ўзгаришларни амалга ошириш. Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўсишнинг асосий омилларидан бирига айланди. Мамлакатда хорижий инвестицияларни жалб этишда валюта қонунчилигини либераллаштирилиши, ишбилармонлик мұхитини яхшиланиши муҳим аҳамият касб этди;

2. Инфратузилмага инвестициялар. Ўзбекистон ҳукумати инфратузилмага катта инвестициялар киритмоқда, жумладан, янги транспорт йўналишларини яратиш, энергетика тизимини модернизация қилиш, таълим ва соғлиқни сақлашдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш. Бу чора-тадбирлар нафақат иқтисодий ўсиш, балки аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

3. Кадрлар сиёсати. Таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш масалалари мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳукумат мутахассисларнинг малакасини ошириш ва тайёрлаш дастурларини амалга оширмоқда, бу эса меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга салбий таъсир этувчи қуидаги қийинчилеклар ва муаммолар ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Иқтисодий диверсификациянинг пастлиги. Эришилган ютуқларга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти етарли даражада диверсификацияланмаганлигича қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва анъанавий товарларга кучли қарамлик глобал иқтисодий ўзгаришлар олдида заифликка олиб келиши мумкин.

2. Коррупция ва маъмурий тўсиқлар. Коррупция ва ҳаддан ташқари оғир маъмурий тартиб-қоидалар бизнес юритиши қийинлаштириб, хорижий инвесторларни тўхтатиб қўядиган долзарб муаммолар бўлиб қолмоқда. Ҳукумат ушбу соҳаларни ислоҳ қилиш бўйича кейинги қадамларни қўйиши кутилмоқда.

3. Экологик муаммолар. Орол денгизининг қўриши, ҳавонинг ифлосланиши, тупроқнинг шўрланиши, ичимлик суви етишмаслиги каби экологик муаммолар шошилинч чоралар қўришни талаб қиласди. Барқарор иқтисодий ривожланиш жамият ва табиат учун салбий оқибатларнинг олдини олиш учун экологик жиҳатларни ҳисобга олиши керак.

Юқоридаги муаммоларнинг ҳал қилиниши, шубҳасиз, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қиласди. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, иқтисодий ўсишни жадаллаштиришда қуидаги истиқболли йўналишларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

1. Инновация ва технология ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш. Инновацион иқтисодиётга эга мамлакатлар амалиёти кўрсатишича, келажакда иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишларидан бири инновацион технологияларни жорий этишdir. Иқтисодиётни рақамлаштириш ва стартапларни ривожлантириш дастурлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг янги йўналишлари учун асос бўлмоқда.

2. Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш. Ўзбекистон фаол иқтисодий ва сиёсий алоқалар орқали халқаро майдонда ўз мавқенини мустаҳкамлашда давом этиши керак. Жаҳон иқтисодиётидаги икки қутблилек шароитида кўп томонлама платформаларда иштирок этиш ва тажриба алмашишни таъминлаш жаҳон иқтисодиётига муваффақиятли интеграциялашувнинг калити бўлади.

3. Давлат ривожланиш стратегияларини ҳаётга татбиқ этиш. Мамлакатни барқарор ривожланишини таъминлаш давлат стратегиясининг устувор йўналиши бўлиши лозим. Иқтисодий ўсиш ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ўртасида мувозанатни топиш керак. Яшил технологияларни ҳаётга жорий этиш ушбу трансформациянинг калити бўлиб хизмат қиласди.

Хулоса ва таклифлар.

Ўзбекистоннинг кейинги ўн йилликлардаги иқтисодий ўсиши кенг қамровли ислоҳотлар ва ташаббуслар натижасида эришилган улкан ютуқларни намоён этди. Бироқ, мамлакат келажакда барқарор ва инклузив ривожланишни таъминлаш учун кўплаб муаммоларга дуч келмоқда. Инновацион ёндашувлардан фойдаланиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этиш Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳолисининг турмуш сифатини оширишнинг асосий омилларига айланиши мумкин.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Abdukayumovich K.R. (2022) *The role of the state in increasing the impact of institutional changes on real sector development //International Journal of Management IT and Engineering.* – T. 12. – №. 1. – C. 30-36.

Devid Ricardo. (2015) *Proposals for an Economical and Secure Currency.* Cambridge University Press.

Joseph E. Stiglitz. (2024) *The Road to Freedom: Economics and the Good Society.* Columbia University.

Kalandarov R. A. (2023) *INFLUENCE OF INSTITUTIONAL CHANGES ON THE DEVELOPMENT OF NATIONAL ECONOMY //Analysis of world scientific views International Scientific Journal.* – T. 1. – №. 10. – C. 50-62.

Paul M. Romer (2006) *Macroeconomics. Study Guide.* Worth Pub.

Robert M. Solow. (2020) *Growth theory.* Oxford University Press.
<https://www.livelib.ru/author/34504/top-robert-merton-solou>

Sen, A. (1999) *Development as freedom.* Oxford: Oxford University Press.

Адам Смит. (2022) *Исследование о природе и причинах богатства народов.* М.: Аст.

Роберт Э. Лукас. (2013) *Лекции по экономическому росту.* М.: Издательство Института Гайдара. <https://www.klex.ru/120f>

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.* <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.